

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**



**ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ЦИКЛИ**

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИГА НАВБАТДАГИ  
“ПОДПОЛКОВНИК” МАХСУС УНВОНИ БЕРИШ УЧУН МАХСУС  
МАЛАКА ОШИРИШ ЎҚУВ КУРСИНИНГ “ЖИСМОНИЙ  
ТАЙЁРГАРЛИК” МОДУЛИ БҮЙИЧА**

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**ТОШКЕНТ – 2023**

Мазкур ўқув-услубий мажмуа “Ички ишлар органлари ходимларига навбатдаги “Подполковник” маҳсус унвони бериш учун маҳсус малака ошириш ўқув курсининг” ўқув дастури асосида тайёрланган.

**Тузувчи:** Малака ошириш институти жисмоний тайёргарлик цикли катта ўқитувчиси, майор Ф.Х.Тўраев

**Тақризчилар:** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Жисмоний тайёргарлик цикли бошлиғи полковник А.Ш. Усманов

Жаҳон Иқтисодиёти ва Дипломатия Университети жисмоний маданият ва спорт фани профессор в.в.б Ш.С. Дилмуродов

Ўқув-методик мажмуа жисмоний тайёргарлик модули бўйича енгил атлетиканинг қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югуриш, кроссфит машқлар мажмуаси, курашчиларнинг маҳсус тайёргарлик машқлари, кураш усуллари, қўл жанги, ушлаб ва қучоқлаб олганда қутилиш, совуқ қурол ва ўқотар қурол билан ҳужум қилганда, ҳимояланишда ҳаракат ва усулларини амалий бажаришга оид кўникма ва малакалар, ҳаракатлар техникаси ва тактикаси, жисмоний тайёргарлик бўйича амалий машғулотларини ташкиллаштириш ва ўтказиш тартибини ўз ичига олади.

Ўқув-услубий мажмуа циклнинг 2023 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги “\_\_\_”-сонли йиғилиш муҳокамасидан ўтказилган ва маъқулланган.

УДК-343.98.(043.5)(676.2)  
BVK75.15

©Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти 2023

## **Мундарижа**

Кириш.....	4
Модул бўйича дарслар тақсимоти.....	8
3.1-мавзу. Қисқа масофаларга югуриш. (100 ва моккисимон 10x10 метр масофага югуриш.....	9
3.2-мавзу. Ўрта ва узок масофаларга югуриш. 1000 ва 3000 метр масофага югуриш техникаси.....	18
3.3-мавзу. Кроссфит машқлар мажмуаси.....	24
3.4-мавзу. Курашчиларнинг маҳсус тайёргарлик машқлари.....	29
3.5-мавзу. Тик турган ҳолатда кураш усувлари.....	37
3.6-мавзу. Жанговар ҳолатлар ва харакатланишлар. Қўл ва оёқ билан бериладиган зарбалар. Қўл ва оёқ зарбаларидан ҳимояланиш усувлари....	42
3.7-мавзу. Ушлаб ва қучоқлаб олганда қутилиш усувлари.....	53
3.8-мавзу. Совук қурол (пичноқ ва бошқа ўткир ускуналар) билан хужум қилганда ҳимояланиш ва қуролсизлантириш усувлари.....	58
3.9-мавзу. Ўқ отар қурол (узун ёки калта стволли) билан хужум қилганда ҳимояланиш ва қуролсизлантириш усувлари.....	65
Хулоса.....	75
Голоссарий.....	76
Мавзулар юзасидан амалий саволлар.....	76
Адабиётлар.....	77

## **КИРИШ**

Инсоннинг соғлом ва баркамол вояга етишида спортнинг аҳамияти бекиёс. Зеро, ҳар томонлама етук инсонгина юрт тинчлиги ва осойишталиги, жамият фаровонлиги ва равнақига муносиб ҳисса қўша олади. Бинобарин, мамлакатнинг эртанги қуни ҳам ўсиб келаётган соғлом ва баркамол авлодга, уларнинг ақлий ва жисмоний салоҳиятига чамбарчас боғлиқ.

Маълумки, Ички ишлар органлари ходимларининг профессионал касб фаолиятини спорт, айниқса, жанговор ва жисмоний тайёргарликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Соҳа ходимларининг нафақат маънавий-маърифий билимлари, балки жанговор шайликларини ва жисмоний ҳолатини ҳам замон талаблари даражасида ошириб бориш жамиятда турли ҳукуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишга, жамоат тартибини сақлашга, энг муҳими, юрт осойишталигига хизмат қиласди.

Ушбу мажмуа ана шу мақсадда тайёрланиб, унда ҳукуқ тартибот органлари ходимлари томонидан ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши қурашишда қўлланадиган қўл жангига усуллари батафсил ёритилган. Жумладан, хизмат фаолиятидаги асосий жанговор ва шахсий ҳимояланиш қоидалари, жиноятчилар ва ҳукуқбузарларни қўлга олиш, таъқиб қилиш, қуролсизлантириш, ташқи кўздан кечиришда қўлланадиган усул ва воситалар кўргазмали тарзда ифодаланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларига мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”га ПФ-60 сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10 сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, уларнинг фаолиятини ҳалқ манфаатлари, қадр-киммати ҳукуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилишига йўналтирилган. Шунингдек, ҳукуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишининг самарали тизимини яратиш юзасидан амалий машғулотимиз ходимларни кундалик хизмат фаолиятида моҳирона бошқарувни таъминлаш, муракқаб вазиятларга қисқа фурсатларда мослашиш, кескин ва фавқулодда вазиятларда тўғри қарор қабул қилишга қаратилган юқори жисмоний, жанговар, ахлоқий-маънавий ва руҳий фазилатлар ҳамда хусусиятларни ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Бугунги кунда Ички ишлар органлари ходимлари хизмат фаолиятида фуқароларнинг Конституциявий эркинликларини ва қонуний манфаатларини

ҳимоялашда, жамоат тартибини сақлашда, жиноятчиликка қарши курашда, ўта муҳим, тоифаланган объектларни ишончли қўригини таъминлашда, жиноятлар ва маъмурий ҳукуқбузарликларга чек қўйишда, ҳукуқбузарларни ички ишлар идораларига олиб боришда, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётганларнинг ноқонуний ҳаракатларини тўхтатишида, оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашда ҳамда шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жисмоний куч ишлатиш ҳукуқига эга бўладилар.

Ички ишлар органлари фаолиятини ҳам ҳар бир соҳа бўйича дунёдаги етакчи мутахассисларнинг илмий тадқиқотларига асосланган ҳолда, янада такомиллаштириш бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Халкаро майдонда авж олган миллий можаролар, терроризм, уюшган жиноятчилик, диний экстремизм каби таҳдидларга қарши курашишда ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашда Ички ишлар органлари ходимлари энг асосий таянчлардан бири ҳисобланади. Инсон ва фуқаронинг ҳукуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда Ички ишлар органлари ходимларининг тутган ўрни катта аҳамиятга эга бўлиб, улар юртимиизда турли экстремистик групкалар томонидан содир этилган жиноятларни бартараф этиш учун биринчилар қаторида сафарбар қилинадилар. Бу эса, ўз навбатида, Ички ишлар ораганлари ходимларига катта масъулият юклайди ва шу сабабли уларни спорт соҳасининг назарий асослари тўғрисида тасаввурга ва юқори даражадаги жисмоний тайёргарликка эга бўлишларини тақозо этади.



*Ҳар бир давлатни куч ва қудратини белгиловчи асосий омил бу жисмонан соглом ва ҳар томонлама ривожланган авлодdir.*

*Ш.М.Мирзиёев*

**Жисмоний тайёргарлик модулининг мақсади.** Тингловчиларда "Жисмоний тайёргарлик" тушунчаси ва унинг аҳамияти, хуқуқий асослари, жисмоний тайёргарликнинг элементлари, турлари ва вазифалари, ички ишлар органларида жисмоний тайёргарликни ташкиллаштирувчи ва олиб борувчи махсус бўлинмалар фаолияти, спорт залларнинг жиҳозланиши, ходимнинг жисмоний тайёргарлик билан шуғулланиш борасидаги вазифалари тўғрисидаги билим ва қўникмаларини шакллантириш.

**Жисмоний тайёргарлик модулининг вазифалари:**

- тингловчиларга ички ишлар органлари фаолиятида умумий жисмоний тайёргарликнинг ўрни ҳақидаги тушунчаларни етказиш;
- жисмоний тайёргарлик машғулотларини ўтказишга қўйиладиган талаблар бўйича зарур билимларни бериш;
- тингловчиларнинг касбий фазилатларига тарбиявий таъсир кўрсатиш.

**Тингловчилар қўйидаги билимларга эга бўлиши керак:**

- қисқа масофаларга ва моккисимон югуришнинг техникасини билиш;
- ўрта масофаларга югуришнинг техникасини билиш;
- узок масофаларга югуришнинг техникасини билиш;
- кроссфит машқлари ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- кроссфит машқлари мажмуалари услубларини билиш;
- кроссфит мажмуаларининг ўтказилиш шакллари ва жисмоний юкламаларни назорат қилиш усувларини билиш;
- курашчиларнинг махсус тайёргарлик машқлари ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- курашчиларнинг махсус тайёргарлик машқлари услубларини билиш;
- курашчиларнинг махсус тайёргарлик машқларини назорат қилиш усувларини билиш.

**Тингловчилар қўйидаги қўникмаларга эга бўлиши зарур:**

- қисқа масофаларга ва моккисимон югуришда стартдан чиқиш, тўғри йўлка бўйлаб югуриш, марра чизигини кесиб ўтиш (ташланиш);
- ўрта масофаларга югуришда стартдан чиқиш, тўғри йўлка бўйлаб ҳамда бурилишлар (вираж)да югуриш, марра чизигини кесиб ўтиш (ташланиш);
- узок масофаларга югуришда стартдан чиқиш, тўғри йўлка бўйлаб ҳамда бурилишлар (вираж)да югуриш, марра чизигини кесиб ўтиш (ташланиш).
- кроссфит машқлари мажмуаларини турган жойда (якка тартибда, гурухли, мажмуавий ёки мусобақа тарзида) ва масофаларга ҳаракатланиб (якка тартибда, гурухли, мажмуавий ёки мусобақа тарзида) бажариш;
- кроссфит мажмуаларини тана вазни, оғир атлетика воситалари билан, снарядларда бажариш;
- жисмоний юкламаларни назорат қилиш усувларидан: бажарилиши сони,

цикллар сони, вақт чекловига нисбатан бажарилиш сони фойдаланиб бажариш;

-олдинга ва орқага ўмбалоқ ошиш, елкадан юмалаш техникасини бажариш;

-чўккалаб ўтирган ҳолатда орқа ва ёнга эхтиёткорлик билан йиқилишни бажариш.

### **Тингловчилар қўйидаги малакаларини эгаллаши лозим:**

- қисқа масофоларга ва моккисимон югуришда белгиланган меъёр талабларини бажариш;

- ўрта масофаларга югуришда белгиланган меъёр талабларини бажариш;

- ИИВнинг 2022 йил 22 сентябрдаги 383-сон буйруғида кўрсатиб ўтилган 1-мажмуанинг (вақт ҳисобида 10 раунд) белгиланган меъёр талабларини бажариш;

- ИИВнинг 2022 йил 22 сентябрдаги 383-сон буйруғида кўрсатиб ўтилган 2-мажмуанинг (вақт ҳисобида 3 раунд) белгиланган меъёр талабларини бажариш;

-курашчининг маҳсус тайёргарлик машқлари мавзуларида ўтилган барча машқлар (Орқага ўмбалоқ ошиш, олдинга ва елкадан юмалаш, акробатик машқлар, орқага ўмбалоқ ошиб эхтиёткорлик билан йиқилиш) техникасини аниқ, тўғри ва тез кўрсатиб, бажара олиш;

-тик турган ҳолатда кураш усуслари мавзуларида ўтилган барча усуслар (Олдинга ва орқага чалиб йиқитиш техникаси. Белдан ошириб ташлаш) техникасини аниқ, тўғри ва тез кўрсатиб, бажара олиш;

-жанговар ҳолатлар ва харакатланишлар. Кўл ва оёқ билан бериладиган зарбалар. Кўл ва оёқ зарбаларидан ҳимояланиш усуслари мавзуларида ўтилган барча усуслар (Кўл билан тўғридан, ён томондан, пастдан зарба бериш. Оёқ билан тўғридан, ён томондан зарба бериш) техникасини аниқ, тўғри ва тез кўрсатиб, бажара олиш;

-ушлаб ва қучоқлаб олишлардан қутилиш усуслари мавзуларида ўтилган барча усуслар (Олди ва орқа тарафдан қўллар билан бирга, тананинг ўзини қучоқлаб олиш ҳолатларидан қутилиб чиқиши) техникасини аниқ, тўғри ва тез кўрсатиб, бажара олиш;

-совук қурол (пичоқ ва бошқа ўткир ускуналар) билан хужум қилганда ҳимояланиш ва қуролсизлантириш усуслари мавзуларида ўтилган барча усуслар (юқоридан, пастдан ва тўғридан хужум қилганда ҳимояланиш усусларини такомиллаштириш) техникасини аниқ, тўғри ва тез кўрсатиб, бажара олиш;

-ўқ отар қурол (узун ёки калта стволли) билан хужум қилганда ҳимояланиш ва қуролсизлантириш усуслари мавзуларида ўтилган барча усуслар (Тўппонча билан олди ва орқа тарафлардан ҳавф согланда ҳимояланиш ва қўлга олиш) техникасини аниқ, тўғри ва тез кўрсатиб, бажара олиш.

**Модул бўйича дарслар тақсимоти:**

Т/р	Ўқитиладиган модуллар номи	Жами	Ўқув соатлари				
			Маъруза	Семинар	Амалий машнузот	Мустакил тайёргарлик	Назорат
<b>3.</b>	<b>Жисмоний тайёргарлик</b>	<b>24</b>	-	-	<b>24</b>	-	-
<b>3.1</b>	Қисқа масофаларга югуриш. (100 ва моккисимон 10x10 метр масофага югуриш	4	-	-	4	-	-
<b>3.2</b>	Ўрта ва узоқ масофаларга югуриш. 1000 ва 3000 метрга югуриш техникаси	4	-	-	4	-	-
<b>3.3</b>	Кроссфит машқлар мажмуаси	2	-	-	2	-	-
<b>3.4</b>	Курашчиларнинг махсус тайёргарлик машқлари	2	-	-	2	-	-
<b>3.5</b>	Тик турган ҳолатда кураш усуллари	2	-	-	2	-	-
<b>3.6</b>	Жанговар ҳолатлар ва ҳаракатланишлар. Қўл ва оёқ билан бериладиган зарбалар. Қўл ва оёқ зарбаларидан ҳимояланиш усуллари	2	-	-	2	-	-
<b>3.7</b>	Ушлаб ва қучоқлаб олганда қутилиш усуллари	2	-	-	2	-	-
<b>3.8</b>	Совуқ қурол (пичноқ ва бошқа ўткир ускуналар) билан хужум қилганда ҳимояланиш ва қуролсизлантириш усуллари	2	-	-	2	-	-
<b>3.9</b>	Ўқ отар қурол (узун ёки калта стволли) билан хужум қилганда ҳимояланиш ва қуролсизлантириш усуллари	4	-	-	4	-	-

### **3.1-Мавзу: “Қисқа масофаларга югуриш. (100 ва моккисимон 10x10 метр масофага югуриш”.**

#### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ (4 соат)**

##### **1-Амалий машғулот режаси.**

1. Қисқа масофага югуришда пастки стартга туриш, стартдан чиқиши, түғри йўлка бўйлаб югуриш ва маррага ташланиши техникаси.
2. Тезкорлик сифатларини ривожлантирувчи машқлар.

##### **Юриш ва югуриш:**

800 - 1500 метргача, ўртача тезлиқда югуриш.

##### **Умумривожлантирувчи машқлар:**

Машқлар тўрт колоннали сафда, жойида бажарилади.

Ҳар бир машқ 8-12 мартадан қайтарилади.

Умумий жисмоний тайёргарлик машқлари гурӯҳ таркибида спорт майдонида ёки бошқа очиқ майдонларда ўтказилади. Машқлар ўқитувчи раҳбарлигига ҳисоб билан бир хил бажарилади.

##### **Махсус енгил атлетикачилар машқлари:**

- а) тиззаларни баланд кўтариб югуриш;
- б) товонларни орқага ташлаб югуриш;
- в) узунликка сакраб югуриш;
- г) баландликка сакраб югуриш;
- д) жойидан тезлик билан югуриш;

Ҳар бир машқ 2 мартадан 20 метргача масофада бажарилади.


##### **АСОСИЙ ҚИСМ:**

##### **1-ўқув саволи: Қисқа масофага югуришда пастки стартга туриш, стартдан чиқиши, түғри йўлка бўйлаб югуриш ва маррага ташланиши техникаси.**

Тингловчиларда қисқа масофаларга югуриш техникаси ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш. Тўғри йўлкада пастки стартдан югуриш техникасини тушунтириш ва кўрсатиш. **Старт.** Югуришнинг бошланиши – **старт.** Спринтда, югуришни тезроқ бошлишга ва қисқароқ масофа бўлагида тезликни максимал ўстиришга имкон берадиган, паст старт қўлланилади. Паст стартда тингловчи қўлини ердан узган заҳоти таянчдан анча олдинлаб кетган бўлади. Стартдан янада тезроқ чиқиши учун старт тиргаклари қўлланилади.

Одатдаги старт деб аталувчи старт кенг қўлланилади. Унда олдинги тиргак старт чизигидан 1-1,5 оёқ таги узунлигига, кейинги тиргак эса олдинги тиргакдан болдирилик узунлиги оралиғида ўрнатилади. Олдинги тиргакнинг таянч сатҳи  $45\text{-}50^\circ$  кейингисининг сатҳи  $60\text{-}80^\circ$  бўлади. Айрим тингловчилар олдинги тиргакни старт чизигидан узоқлаштириб, тиргаклар орасидаги масофани қисқартирадилар (чўзилган старт) айримлари эса орқадаги тиргакни олдиндагига яқинлаштириб, тиргаклар орасидаги масофани қисқартирадилар (яқинлаштирилган старт).

**«Стартга»** буйруғи билан тингловчи тиргаклар олдига ўтади, энгалиб қўлларини старт чизигидан олдинга қўяди. Мана шу ҳолатдан у олдиндан орқага ҳаракат қилиб, бир оёғини олдинги тиргакнинг таянч сатҳига, иккинчи оёғини эса тиргакнинг таянч сатҳига тирайди. Кейинги оёқ тиззасида туриб, югурувчи қўлларини старт чизигидан ўзи томон ўтказиб, старт чизигига жипслаштириб ерга қўяди. Катта бармоқ билан бир-бирига жипслашиб турган қолган бармоқлар орасида қайишқоқ “арка” ҳосил бўлади, тарангланмаган тўғри қўллар елка кенглигига қўйилади. Гавда тўғри, бош ҳам гавдага нисбатан тўғри қўйилади. Тананинг оғирлиги иккала қўл, олдинги оёқ таги ва кейинги оёқ тиззасига teng тақсимланади. Мана шу ҳолатда бутун эътиборни кейинги буйруққа жалб қилиш керак.



**1-расмда “Стартга” буйруғини бажарилишини олд ва ён томондан кўриниши тасвиirlанган.**



## 2- расмда “Стартга” буйруғини бажарилишини тасвирланган.

«Диққат!» буйруғи берилгандан кейин тингловчи оёқларини сал түғирлаб, кейинги оёқ тиззасини ердан узади. Бу билан у гавдасининг умумий оғирлик маркази (у.о.м.) ни сал юқорилатиб олдинга силжитади. Энди гавданинг оғирлиги иккала қўл билан олдинги оёққа тушади. Лекин гавда у.о.м.нинг йўлкадаги проекцияси старт чизигидан 15-20 см берида бўлиши керак. Оёқ таглари тиргакларнинг таянч сатҳига қаттиқ тиralади. Гавда тўғри тутилади. Тос елкага нисбатан сал юқори кўтарилади, оёқ мускуллари кучли бўлган югурувчи унчалик юқори кўтарилмаса ҳам бўлади. Стартда тайёр турган пайтда олдинги тиргакка тиralган оёқнинг сони билан болдири орасидаги оптимал бурчак  $65\text{-}100^\circ$  га, кейинги тиргакка тиralган оёқ бурчаги эса  $100\text{-}120^\circ$  га tengdir.



3-расм. «Диққат!» буйруғининг бажарилиши.

Бош пастга қараган бўлиб, курсантнинг “Дикқат!” буйруғидан кейинги ҳолати ҳаддан ташқари зўриқкан бўлмаслиги керак. “Дикқат!” буйруғи билан (“Марш!”) югуришни бошлашга бериладиган сигнал орасидаги вақт З сониядан ошмаслиги зарур.

Тингловчи ўқитувчинининг буйругини эшигтач, дарҳол олдинга интилади. Бу ҳаракат, қўлларини олдинлатиб юқорига тез силташ билан (букиб) бошланади. Бу, оёқларнинг ҳам тез ҳаракат қилишига ёрдам беради.

Старт тиргакларидан депсиниш иккала оёқда бир вақтда, старт тиргакларига қаттиқ босиш билан бошланади. Стартдан чиқиш вақтидаги ҳаракатларни максимал даражада тез бажариш керак. Стартдан чиқаётганда бутун гавдани тўппа-тўғри чўзиб юбориш, кўпроқ фойда беради (4-расм). Чунки бунда гавданинг у.ом. энг пастга тушган бўлиб тепсиниш бурчаги ниҳоятда ўткир бўлиши мумкин. Старт ва кейинги қадамлар техникаси югурувчининг кучига ва тезкорлигига боғлиқ. “Дикқат!” буйруғидан сигнал берилган заҳоти югура кетиш учун курсант “жанговар” тайёргарлик ҳолатда бўлиши керак.

Стартдан чиқиш ҳаракатларининг барчаси бир мустаҳкам малакага айланган ҳолдагина шундай бўлиши мумкин. Шуни айтиб ўтиш керакки, яхши тайёргарликкага эга бўлган тингловчиларда сигналдан кейин стартдан чиқишдаги биринчи ҳаракат ўртасида 0,1 сек. вақт сарфланади. Озроқ машқ қилган тингловчиларда эса бу вақт кўпроқ бўлади. Демак, машғулот жараёнида ҳаракатга келтирувчи реакция вақтини қисқартириш мумкин.



**4-расм. Стартдан чиқиш.**

## **Старт тезланиши ва масофа бўйлаб югуриш**

### **Старт тезланиши**

Қисқа масофаларга югуришда яхши натижа кўрсатиш учун стартдан кейин тезда максимал тезликка эришиш жуда муҳим. Бунинг учун, одатда, 20-25 м. давом этадиган стартдан кейинги югуриш хизмат қилади. Стартдан кейинги биринчи қадамларнинг тўғрилиги ва шиддати, депсингандага гавда билан йўлка ўртасидаги бурчак мумкин қадар ўткир бўлишига, шунингдек, югурувчининг кучига, ҳаракатларнинг тезлигига боғлиқ. Биринчи қадам, олдинги тиргакдан депсинаётган оёқнинг тўлиқ тўғриланиши, шу билан бир вақтда иккинчи оёқнинг сони, тўғриланган оёққа нисбатан тўғри бурчақдан каттароқ бурчак ҳосил қилиб кўтарилади. Сонни жуда юқори кўтариш, мускулларнинг ишлаш шароити нуқтаи назаридан ўринсиздир, бундан ташқари, тана ортиқча юқорига кўтарилиб, олдинга силжиш қийинлашади. Бу танани олдинга кам букиб юурганда айниқса яққол кўринади. Стартдан чиқаётганда гавда тўғри энгашган, яъни кўпроқ энгашган бўлса, сон горизонтал ҳолгача етиб бормайди-да, юқоридан кўра кўпроқ олдинга йўналган куч ҳосил қилади.

### **Масофа бўйлаб югуриш**

Мазкур масофа учун, энг юқори тезликка яқинлашганда, тингловчининг гавдаси сал олдинга энгашган бўлади. Қадамларнинг узунлиги ва частотаси энг қулай нисбатга келади. Эришилган тезликни сақлаб қолиш учун, югуришнинг шундай усули маррагача сақланади.

### **2-ўқув саволи: Тезкорлик сифатларини ривожлантирувчи машқлар.**

Тезкорлик сифатларини ривожлантирувчи машқлар дарс жараёнида асосий мавзу машқлари орасида ёки асосий қисмнинг оҳирида бажарилиши мумкин. Машқ бажариш вақтида тўғри нафас олишга эътибор қаратилади. Тингловчининг ташки кўринишидан зўриқиши аломатлари сезилса енгил машқларга ўтилади. Ўз-ўзини назорат қилиш пульс орқали амалга оширилади. Тингловчиларнинг куч жисмоний сифатини ривожлантириш учун қуйидаги машқлар тавсия этилади:

Шуғулланувчининг мусобақа ёки хизмат фаолияти кўп қиррали ва мушак тизимининг улкан иши билан боғлиқ бўлиб, унда статик ва динамик тартибда ишловчи деярли ҳамма мушак гурухдари қатнашади. Шунинг учун чидамлилик нафақат ишлаётган мушакларга етказиб бериладиган кислород микдори, балки мушакларнинг узоқ вақт давом этадиган кучли зўриқишига мослашиш қўнимасини ҳосил қилиши муҳим аҳамият касб этади. Чидамлиликни такомиллаштириш учун машғулотларни тўғри ташкиллаштириб ва бажариладиган машқларни аниқ белгилаб, уларнинг

шиддати, давомийлиги, такрорлаш сони, дам олиш оралиғи давомийлиги ва дам олиш хусусиятига алоҳида эътибор қартиш лозим. Машғулотларда жисмоний толиқишиш ва чарчоқни енгигиб ўтган тақдирдагина, мушак фаолиятининг ривожланишиш даражасини ошириш мумкин. Бунинг учун машқларни танлашда ва бажаришда шуғулланувчининг ёши, шуғулланганлик даражаси, жинси ҳамда мусобақа фаолиятини хисобга олган ҳолда машғулотлар ташкиллаштирилиб, уларга мақсадли таъсир этиш мумкин. Бунда гантеллар, тошлар, штангалар, ўз оғирлигини енгигиши ҳамда шерик билан бажариладиган машқлардан фойдаланишиш мумкин. Қўйида берилаётган машқлар ўзгарувчан, оралиқли ва такрорлаш услубларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади:

- 30 метр масофага вактга югуриш;
- 4x10 метр масофага вактга югуриш;
- 10x10 метр масофага вактга югуриш;
- 7x50 метр масофага югуриш;

Юқорида берилган машқлар кучни ривожлантиришда самарали восита бўлиб хизмат қиласди.

#### **Мустақил ўрганиши учун топширик:**

1. Қисқа масофаларга (30-40 метр 3-4 маротаба) югуриш.
2. Куч сифатларини ривожлантирувчи машқлар. (20 метр масофагача ўтириб юриш, ўтирган ҳолда сакраб юриш, бир оёқда сакраш каби машқлар)

### **3.1-Мавзу: “Қисқа масофаларга югуриш. (100 ва моккисимон 10x10 метр масофага югуриш”.**

#### **2-Амалий машғулот режаси.**

1. 10 x10 метр масофага моккисимон югуриш техникаси.
2. Тезкорлик сифатларини ривожлантирувчи машқлар,

#### **Юриш ва югуриш:**

800 - 1500 метргача, ўртача тезликда югуриш.

#### **Умумривожлантирувчи машқлар:**

Машқлар тўрт колоннали сафда, жойида бажарилади.

Ҳар бир машқ 8-12 мартадан қайтарилади.

Умумий жисмоний тайёргарлик машқлари гурӯх таркибида спорт майдонида ёки бошқа очиқ майдонларда ўтказилади. Машқлар ўқитувчи раҳбарлигидаги ҳисоб билан бир хил бажарилади.

## **Махсус енгил атлетикачилар машқлари:**

- а) тиззаларни баланд күтариб югуриш;
- б) товонларни орқага ташлаб югуриш;
- в) узунликка сакраб югуриш;
- г) баландликка сакраб югуриш;
- д) жойидан тезлик билан югуриш.

Ҳар бир машқ 2 мартадан 20 метргача масофада бажарилади.

## **АСОСИЙ ҚИСМ:**

**1-ўқув саволи:** 10 x10 метр масофага моккисимон югуриш техникаси.

Моккисимон югуриш - бу қисқа масофани, одатда, тахминан 10-50 метр масофани тезда босиб ўтиб, кейин кескин  $180^{\circ}$  га бурилиб, тескари йўналишда бир неча марта югуриш тури.

Моккисимон югуриш ҳам енгил атлетика спорт турининг бир қисми бўлиб бунда спортчининг тезлик, чаққонлик ва координацион ҳаракатларини ривожланишида хизмат қиласи.



### **Моккисимон югуриш техникаси**

Масофани босиб ўтиш тезлигига нафақат югуришнинг тўғридан-тўғри тезлиги, балки тўсиқларни енгиб ўтиш сифати ҳам таъсир қиласи. Тезкорлик билан масофани югуриб ўтиш учун тўғри техникага интилиш лозим.

Моккисимон югуриш юқори стартдан бошланади.

Юқори стартдан чиқишида позицияни тўғри эгаллаб югуриш учун дебсинувчи (итарувчи) оёқидан амалга оширилади.

Агар чап оёқ билан депсиниш (итариш) сизга қулай бўлса, тиззада бир оз эгилиб, ерга бир оз туширилиши керак.

Ўнг оёқ стартдан чиқиши учун тиргак сифатида ёрдам бўлиб хизмат қиласи.

Югуриш тезлик хусусиятларидан фойдаланиш.

Масофани енгиб ўтиш юқори тезлиқда югуриш принципига асосланади: бунда белгиланган масофани минимал вақт ичida енгиб ўтиш керак бўлади. Бунинг учун танани бир оз олдинга эгиб, югуриш жараёнида

оёқларингиз билан депсинишларни амалга ошириш лозим.

Тезлик кўп жиҳатдан спортчининг дастлабки тайёргарлигига боғлиқ бўлади.



### **Стартдан чиқиши.**

**Белгиланган марра чизиғидан бурилиб қайтиш.**

**Намунали машқлар ва услубий кўрсатмалар:**

**1-вазифа.** Тингловчиларда қисқа масофаларга югуриш техникаси ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш.

**Машқлар:**

1. Тўғри йўлкада юқори стартдан югуриш техникасини тушунтириш ва кўрсатиш.
2. Ўқитувчининг югуриш техникасини кузатиш.

**2-вазифа.** Тўғри масофада югуриш техникасини ўргатиш.

### ***Машқлар:***

1. 3-4 жадалликда 30-40 м. га тезланишли югуриш.

2. Сонни баланд-баланд күтариб, оёқларни орқага сидириб қўйиб югуриш (30-40 м).

3. Сонни орқага сидириб қўйиб, бедана қадам югуриш (30-40 м).

4. Сакрама қадамлар билан югуриш (30-40м).

5. Кўлларни югуриш вақтидагидек ҳаракат қилдириш каби машқларни тезлаштирилган суръатда бажариб, кейин яна оддий югуришга ўтиш.

***Услубий кўрсатма.*** Барча югуриш машқларини тингловчилар аввалига якка-якка бажарадилар, ўқитувчи эса техникага тааллукли кўрсатмалар бериб туради, техника тўғри ўзлаштирилган сари машқлар гурух бўлиб бажариладиган бўлиб боради. Тезланишли югуришда аста-секин тезликни ошира бориш керак, лекин тингловчиларнинг ҳаракати эркинроқ бўлиши зарур. Ортиқча танглик пайдо бўлган заҳоти тезликни ошириш тўхтатилади.

Максимал тезликка эришгандан кейин тезликни бирданига тўхтатмасдан, аксинча, ҳар гал максимал куч сарфламасдан (эркин югуриб) югуришни давом эттиришга уринмоқ керак. Эркин югуриш масофаси аста-секин оширилади. Тезланишли югуриш–спринтча югуриш техникасини ўрганишдаги асосий машқдир. Барча югуриш мақшларини ортиқча зўриқиши бермай, эркин бажариш лозим. Сонни баланд-баланд күтариб югургаётганда ва бедана қадам югургаётганда гавданинг юқори қисми орқага ташланмаслиги лозим. Болдирини орқага силкиб югуришда гавдани олдинга энгаштирмай ютурган маъкул. Тавсия қилинган машқлар гурухнинг жисмоний тайёргарлигига қараб 4-6 марта гача такрорланади.

### **2-ўқув саволи: Тезкорлик сифатларини ривожлантирувчи машқлар.**

Тезкорлик сифатларини ривожлантирувчи машқлар дарс жараёнида асосий мавзу машқлари орасида ёки асосий қисмнинг оҳирида бажарилиши мумкин. Машқ бажариш вақтида тўғри нафас олишга эътибор қаратилади. Тингловчининг ташки кўринишидан зўриқиши аломатлари сезилса енгил машқларга ўтилади. Ўз-ўзини назорат қилиш пульс орқали амалга оширилади. Тингловчиларнинг куч жисмоний сифатини ривожлантириш учун қуйидаги машқлар тавсия этилади:

Шуғулланувчининг мусобақа ёки хизмат фаолияти кўп қиррали ва мушак тизимининг улкан иши билан боғлиқ бўлиб, унда статик ва динамик тартибда ишловчи деярли ҳамма мушак гурухдари қатнашади. Шунинг учун

чидамлилик нафақат ишләётган мушакларга етказиб бериладиган кислород микдори, балки мушакларнинг узоқ вақт давом этадиган кучли зўриқишига мослашиш қўникмасини ҳосил қилиши муҳим аҳамият касб этади. Чидамлиликни такомиллаштириш учун машғулотларни тўғри ташкиллаштириб ва бажариладиган машқларни аниқ белгилаб, уларнинг шиддати, давомийлиги, такрорлаш сони, дам олиш оралиғи давомийлиги ва дам олиш хусусиятига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Машғулотларда жисмоний толиқишиш ва чарchoқни енгиб ўтган тақдирдагина мушак фаолиятининг ривожланиш даражасини ошириш мумкин. Бунинг учун машқларни танлашда ва бажаришда шуғулланувчининг ёши, шуғулланганлик даражаси, жинси ҳамда мусобақа фаолиятини хисобга олган ҳолда машғулотлар ташкиллаштирилиб, уларга мақсадли таъсир этиш мумкин. Бунда гантеллар, тошлар, штангалар, ўз оғирлигини енгиш ҳамда шерик билан бажариладиган машқлардан фойдаланиш мумкин. Қуйида берилаётган машқлар ўзгарувчан, оралиқли ва такрорлаш услубларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади:

- 30 метр масофага вактга югуриш;
- 4x10 метр масофага вактга югуриш;
- 10x10 метр масофага вактга югуриш;
- 7x50 метр масофага югуриш;

Юқорида берилган машқлар кучни ривожлантиришда самарали восита бўлиб хизмат қиласди.

#### **Мустақил ўрганиш учун топшириқ:**

1. Қисқа масофаларга (30-40 метр 3-4 маротаба) югуриш.
2. Куч сифатларини ривожлантирувчи машқлар. (20 метр масофагача ўтириб юриш, ўтирган ҳолда сакраб юриш, бир оёқда сакраш каби машқлар)

### **3.2-Мавзу: “Ўрта ва узоқ масофаларга югуриш. 1000 ва 3000 метр масофага югуриш техникаси”.**

#### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ (4 соат)**

##### **1-Амалий машғулот режаси. (2 соат)**

1. Ўрта масофаларга югуришда стартдан чиқиши, масофа бўйлаб ва бурилишларда югуриш ҳамда марра (финиш)га кириш техникасини ўргатиш.

2. Чидамлилик сифатларини ривожлантирувчи машқлар.

### **Юриш ва югуриш:**

800 - 1500 метргача, ўртача тезликда югуриш.

### **Умумривожлантирувчи машқлар:**

Машқлар түрт колоннали сафда, жойида бажарилади.

Ҳар бир машқ 8-12 мартадан қайтарилади.

Умумий жисмоний тайёргарлик машқлари гурух таркибида спорт майдонида ёки бошқа очиқ майдонларда үтказилади. Машқлар ўқитувчи раҳбарлигига ҳисоб билан бир хил бажарилади.

### **Махсус енгил атлетикачилар машқлари:**

- а) тиззаларни баланд күтариб югуриш;
- б) товоңларни орқага ташлаб югуриш;
- в) узунликка сакраб югуриш;
- г) баландликка сакраб югуриш;
- д) жойидан тезлик билан югуриш.

Ҳар бир машқ 2 мартадан 20 метргача масофада бажарилади.


### **АСОСИЙ ҚИСМ:**

**1-ўқув саволи: Ўрта масофаларга югуришда стартдан чиқиши, масофа бўйлаб ва бурилишларда югуриш ҳамда марра (финиш)га кириш техникасини ўргатиши.**

Барча югуриш машқларини ўрганувчилар аввалига якка тартибда бажарадилар, ўқитувчи эса техникага таълуқли қўрсатмалар бериб туради, техника тўғри ўзлаштирилган сари машқлар гурух бўлиб бажарилади. Тезланишли югуришда аста-секин тезликни ошириш керак. Ортиқча танглик пайдо бўлган захоти тезликни ошириш тўхтатиласди. Максимал тезликка эришгандан кейин тезликни бирданига тўхтатмасдан, аксинча, хил гал максимал Чидамлилик сарфламасдан (эркин югуриб) югуришни давом эттиришга уриниш керак. Эркин югуриш масофаси аста-секин оширилади. Тезланишли югуриш-спринтча югуриш техникасини ўрганишдаги асосий машқидир. Барча югуриш мақшларини ортиқча зўр бермай, эркин бажариш лозим. Сонни баланд күтариб югураётганда ва бедана қадам билан югураётганда гавданинг юқори қисми орқага ташланмаслиги. Болдирни орқага силтаб югуришда, гавдани олдинга энгаштирмай югургани маъкул.

Тавсия қилинган машқлар жисмоний тайёргарликка қараб 4-6 мартагача такрорланади..

**Масофа бўйлаб югуриш** пайтида гавда тўғри ёки сал энгашган (5-7 ракамли расм) бўлади. Гавдани олдинга сал энгаштириб туриш депсиниши Чидамлиликидан тўлиқ фойдаланишга ва олдинга тезроқ силжишга имкон беради. Олдинга ҳаддан ташқари энгашиб олиш "йиқилиш даражада" югуришга сабаб бўлиб, натижада букилган оёқни олға узатиш қийинлашиб, қадамлар қисхалашганида, тезлик камайиб кетади. Ундан ташқари ортиқча энгашганда, гавдани янада кўп энгашиб кетишдан сақлайдиган мускуллар доим таранг бўлади. Гавда энгашмаганды эса, депсиниши учун шароит бироз ёмонлашса ҳам тизза бўғини букилган бўш оёқни олдинга узатиш имкони яхшиланади. Гавда холат тўғри бўлса, мускуллар ва ички аъзолар ишлаши учун қўлай шароит тугилади.



Тўғри масофада югуриш техникасини ўргатиш

**Услубий кўрсатма.** Лентага ташланиб маррага келишини ўрганаётганда, эришилган максимал тезликни масофа оҳиригача сусайтирумай бориш учун зарур ирода кучни тарбиялаш керак. Тингловчиларга югуришни марра чизигига етган захоти эмас, ундан кейин тугатишга ўргатиш муҳим. Ўргатиш муваффақиятли бўлиши учун, машқларни Кучлари тенг тингловчилар икки колонна жуфт бўлиб бажаришлари ёки кучсизроқларига имтиёз бериб бажартириш керак.

### **Машқлар.**

1. 50-80 м га ўртacha тезланишли югуриш.
  2. Сонни баланд кўтариб, оёқларни орқага силтаб қўйиб югуриш (30-40 м).
  3. Сонни орқага силтаб, бедана қадам билан югуриш (30-40 м).
  4. Сакраш қадамлари билан югуриш (30-60м).
  5. Қўлларни югуриш вақтидагидек харакат қилдириш.
- 2, 3 – 4 ва 5-машқларни тезлаштирилган суръатда бажариб, кейин яна

оддий югуришга ўтиш.

### **Машқлар.**

1. Катта радиусга эга бўлган йўлканинг бурилишида (4-6 йўлка) 50-80 м масофага тезланишли югуриш.
2. Биринчи йўлканинг бурилишида (50-80 м) тезланишли югуриш.
3. 10- 20 м радиусга эга бўлган доирада турли хил тезликда югуриш.
4. Бурилишда тезланишли югурга келиб, турли тезликда тўғри йўлга



чиқиб (80-100м дан) югуриш.

5. Тўғри йўлда тезланишли югурга келиб, турли тезликда бурила бошлаб (80-100 м дан) югуриш.

**Услубий кўрсатма.** Йўлканинг бурилишида эркин югуриш керак, шунинг учун катта радиусда бурилишда югуриш техникасини тўғри ўрганиб олгандан кейингина кичик радиусли бурилишда югурга олиш керак. Биринчи машғулотларда тингловчиларга бурилишда югуриш хусусиятини эслатиб туриш, ҳаракатлар тўғри бажарилишини назорат қилиб туришларини тавсия қилиш керак. Югуриб бурилишга кираётганда марказдан қочувчи куч ҳосил бўймасдан илгарироқ, гавдани бурилиш маркази томон энгаштира бошлашни югурувчиларга ўргатиш керак. Тингловчиларнинг тайёргарлик даражасига қараб машқлар 4-8 марта такрорланади.

## **Маррага ташланиши**

### **2- ўқув саволи: Чидамлилик сифатларини ривожлантирувчи машқлар.**

Чидамлиликни ривожлантирувчи машқлар дарс жараёнида асосий мавзу машқлари орасида ёки асосий қисмнинг охирида бажарилиши мумкин. Машқ бажариш вақтида тўғри нафас олишга эътибор қаратилади. Тингловчининг ташқи кўринишидан зўриқиши аломатлари сезилса енгил машқларга ўтилади. Ўз-ўзини назорат қилиш пульс орқали амалга оширилади. Тингловчиларнинг чидамлилик жисмоний сифатини ривожлантириш учун қўйидаги машқлар тавсия этилади:

Шуғулланувчининг мусобақа ёки хизмат фаолияти кўп қиррали ва мушак тизимининг улкан иши билан боғлиқ бўлиб, унда статик ва динамик тартибда ишловчи деярли ҳамма мушак гурухдари қатнашади. Шунинг учун чидамлилик нафақат ишлаётган мушакларга етказиб бериладиган кислород микдори, балки мушакларнинг узоқ вақт давом этадиган кучли зўриқишига мослашиб қўникмасини ҳосил қилиши муҳим аҳамият касб этади. Чидамлиликни такомиллаштириш учун машғулотларни тўғри ташкиллаштириб ва бажариладиган машқларни аниқ белгилаб, уларнинг шиддати, давомийлиги, тақрорлаш сони, дам олиш оралиғи давомийлиги ва дам олиш хусусиятига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Машғулотларда жисмоний толиқиши ва чарчоқни енгиб ўтган тақдирдагина мушак фаолиятининг ривожланиши даражасини ошириш мумкин. Бунинг учун машқларни танлашда ва бажаришда шуғулланувчининг ёши, шуғулланганлик даражаси, жинси ҳамда мусобақа фаолиятини хисобга олган ҳолда машғулотлар ташкиллаштирилиб, уларга мақсадли таъсир этиш мумкин. Бунда гантеллар, тошлар, штангалар, ўз оғирлигини енгиш ҳамда шерик билан бажариладиган машқлардан фойдаланиш мумкин. Қўйида берилаётган машқлар ўзгарувчан, оралиқли ва тақрорлаш услуб-ларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади:

- 200 метр масофага вактга югуриш;
- 400 метр масофага вактга югуриш;
- 1000 метр масофага вактга югуриш;
- 5000 метр масофага югуриш (белгилangan тезликда энг узоқ масофани «охиригача» босиб ўтиш);

Юқорида берилган машқлар чидамлиликни ривожлантиришда самарали восита бўлиб хизмат қиласи.

### **Мустақил ўрганиш учун топшириқ:**

1. Қисқа масофаларга (30-40 метр 3-4 маротаба) югуриш. 4x10 метр масофага моккисимон югуриш (3-4 маротаба).

2. Куч сифатларини ривожлантирувчи машқлар. (20 метр масофагача ўтириб юриш, ўтирган ҳолда сакраб юриш, бир оёқда сакраш каби машқлар)

### **3.2-мавзу: “Узоқ масофаларга югуриш. Юқори старт ва стартдан чиқиши 3000 метрга ва вақтбай югуриш техникаси”**

#### **2-Амалий машғулот режаси. (2 соат)**

1. Узоқ масофаларга югуриш. Юқори старт ва стартдан чиқиши 3000 метрга вақтбай югуриш техникасини ўргатиш.

2. Куч сифатларини ривожлантирувчи машқлар.

#### **Юриш ва югуриш:**

800 - 1500 метргача, ўртача тезликдә югуриш.

#### **Умумривожлантирувчи машқлар:**

Машқлар түрт колоннали сафда, жойида бажарилади.

Хар бир машқ 8-12 мартадан қайтарилади.

Умумий жисмоний тайёргарлик машқлари гурух таркибида спорт майдонида ёки бошқа очиқ майдонларда ўтказилади. Машқлар ўқитувчи раҳбарлигига ҳисоб билан бир хил бажарилади.

#### **Махсус енгил атлетикачилар машқлари:**

- а) тиззаларни баланд күтариб югуриш;
- б) товоңларни орқага ташлаб югуриш;
- в) узунликка сакраб югуриш;
- г) баландликка сакраб югуриш;
- д) жойидан тезлик билан югуриш.

Хар бир машқ 2 мартадан 20 метргача масофада бажарилади.

### **1-ўқув саволи: Узоқ масофаларга югуриш. Юқори старт ва стартдан чиқиши 3000 метрга вақтбай югуриш техникасини ўргатиш.**

Узоқ масофаларга югуриш юқори стартдан бошланади. Фақат 800 м югуриш айрим пайтларда паст стартдан бошланади. Тингловчи старт холатида кучлироқ, оёғини старт чизига якинига иккинчи оёғини учини эса 30-50 см орқароққа қўяди. “Диққат” буйруғидан кейин иккала оёғини сал

букади, гавдасини олдинга энгаштириб, оғирлик марказини олдинги оёққа ўтказади. Лекин йиқилиб тушмаслик ва югуришни олдин бошламаслик учун у.о.м.нинг проекцияси оёқ учидан олдинга ўтиб кетмаслик керак. Олдинги оёғига нисбатан қарама-қарши томондаги қўлни букиб, олдинга чиқарилади. Ўрта масофага югурувчиларнинг айримлари шу қўл билан ерга таянадилар (старт чизигидан орқароқда) масофага қанчалик қисқа бўлса, югурувчининг стартда туриши шунчалик паст стартга яқин бўлади. Тингловчи сигнал берилган ("Марш" буйруғи) заҳоти югуришни бошлайди: биринчи қадамларда унинг гавдаси қўпроқ энгашган бўлиб кейинчалик аста секин тикланади. Қадамлар кенглиги оша боради, югуриш тезлаша боради, спортчи тезликни ошириб бориб, қисқа вақт ичида эркин югуришга ўтади.

### **Юқори старт техникасини ва старт тезланишни ўргатиш.**

#### **Машқлар.**

1. Юқори стартдан югуришни кўрсатиш.
2. «Стартга» буйруғини бажариш ва «Марш» буйруғидан кейин 20-30 м югуриш.
3. Юқори стартдан кейин старт тезланишига, ундан кейин эса эркин югуришга ўтиш. Масофа 60-70 м гача.
4. Бурилиш бошланишида юқори старт олиш.

**Услубий кўрсатма.** Ўрганишнинг бошида юқори старт олишни буйруғсиз, тингловчиларнинг ўзлари мустақил, кейин 3-5 тадан гурух-гуруҳ бўлиб буйруқ билан бажарадилар. Урганиш вақтида "Дикқат" буйруғидан кейин "Марш" буйруғигача бўлган пауза анча узоқ (4-5 сек) бўлади, чунки тўғри туриб олишга улгуришлари керак. Бора-бора пауза нормал даражада қисқартирилади. Бошни тўғри тутишга (дастлабки қадамлар тушадиган жойга қаралади) эътибор бериш лозим. Старт тезланишида тезлик ортган сари гавда тўғрилана боради.

### **Масофа бўйлаб югуриш ва маррага келиш.**

Масофа бўйлаб югуриш пайтида гавда тўғри ёки сал энгашган бўлади. Гавдани олдинга сал энгаштириб туриш депсиниш кучидан тўлик фойдаланишга ва олдинга тезроқ силжишга имқон беради. Олдинга ҳаддан ташқари энгашиб олиш "йиқилиш даражада" югуришга сабаб бўлиб, натижада букилган оёқни олға узатиш қийинлашиб, қадамлар қискалашадида, тезлик камайиб кетади. Ундан ташқари ортиқча энгашганда, гавдани янада кўп энгашиб кетишдан сақлайдиган мускуллар доим таранг бўлади.

## **2- ўқув саволи: Куч сифатларини ривожлантирувчи машқлар.**

Чидамлиликни ривожлантирувчи машқлар дарс жараёнида асосий мавзуу машқлари орасида ёки асосий қисмнинг охирида бажарилиши мумкин. Машқ бажариш вақтида түғри нафас олишга эътибор қаратилади. Тингловчининг ташқи кўринишидан зўриқиши аломатлари сезилса енгил машқларга ўтилади. Ўз-ўзини назорат қилиш пульс орқали амалга оширилади. Тингловчиларнинг чидамлилик жисмоний сифатини ривожлантириш учун қўйидаги машқлар тавсия этилади:

Шуғулланувчининг мусобақа ёки хизмат фаолияти кўп қиррали ва мушак тизимининг улкан иши билан боғлиқ бўлиб, унда статик ва динамик тартибда ишловчи деярли ҳамма мушак гурухдари қатнашади. Шунинг учун чидамлилик нафақат ишлаётган мушакларга етказиб бериладиган кислород микдори, балки мушакларнинг узоқ вақт давом этадиган кучли зўриқишига мослашиш кўнижмасини ҳосил қилиши муҳим аҳамият касб этади. Чидамлиликни такомиллаштириш учун машғулотларни түғри ташкиллаштириб ва бажариладиган машқларни аниқ белгилаб, уларнинг шиддати, давомийлиги, тақрорлаш сони, дам олиш оралиғи давомийлиги ва дам олиш хусусиятига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Машғулотларда жисмоний толиқиши ва чарчоқни енгиб ўтган тақдирдагина мушак фаолиятининг ривожланиши даражасини ошириш мумкин. Бунинг учун машқларни танлашда ва бажаришда шуғулланувчининг ёши, шуғулланганлик даражаси, жинси ҳамда мусобақа фаолиятини хисобга олган ҳолда машғулотлар ташкиллаштирилиб, уларга мақсадли таъсир этиш мумкин. Бунда гантеллар, тошлар, штангалар, ўз оғирлигини енгиз ҳамда шерик билан бажариладиган машқлардан фойдаланиш мумкин. Қўйида берилаётган машқлар ўзгарувчан, оралиқли ва тақрорлаш услуб-ларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади:

- 200 метр масофага вактга югуриш;
- 400 метр масофага вактга югуриш;
- 1000 метр масофага вақтга югуриш;
- 5000 метр масофага югуриш (белгиланган тезликда энг узоқ масофани «охиригача» босиб ўтиш);

Юқорида берилган машқлар чидамлиликни ривожлантиришда самарали восита бўлиб хизмат қиласи.

### **Мустакил ўрганиш учун топширик:**

1. Қисқа масофаларга (30-40 метр 3-4 маротаба) югуриш. 4x10 метр масофага моккисимон югуриш (3-4 маротаба).

2. Куч сифатларини ривожлантирувчи машқлар. (20 метр масофагача ўтириб юриш, ўтирган ҳолда сакраб юриш, бир оёқда сакраш каби машқлар)

### **3.3- Мавзу: “Кроссфит машқлар мажмуаси”**

#### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ (2 соат)**

##### **РЕЖА.**

1. Кроссфит машқларининг 1-мажмуасини бажартириш.
2. Кроссфит машқларининг 2-мажмуасини бажартириш.
3. Спорт ўйинлари (футбол).

Кроссфит – бу юқори интенсив равишда бажариладиган жисмоний ҳаракатлар тизими бўлиб, у оғир атлетика, гимнастика, аэробика, тош кўтариш ва турли спорт мажмуаларини ўз ичига олади. Кроссфит – мусобақавий спорт тури бўлиб, унинг турнирлари бутун жаҳонда ўtkазилади. (“Сross” - кесишиш, жадаллаштириш ёки қовуштириш деган маънони, “Фит” - эса фитнес маъносини беради. Қисқача қилиб айтганда қовуштирилган фитнес маъноси келиб чиқади). Кроссфит асосан инсон организмнинг куч ва чидамлилик сифатини оширишга ҳамда ривожлантиришга йўналтирилган. Ушбу спорт тури доимий равишда ҳаракатлар функциясини юқори интенсив равишда турли вақт оралиғида бажарилишини ўзгартириб бориши билан характерланади. Бу машқлар мажмуи, 15 дақиқадан 60 дақиқагача бир вақтнинг ўзида турли мушак гурухларига таъсир этувчи жисмоний машқларни ўз ичига олади. Унинг асосига кардиоюклама (аэробика), гимнастика машқлари ва ўз тана вазнининг эркин ҳаракатлари киради.

##### **Юриш ва югуриш:**

800 - 1500 метргача, ўртacha тезликда югуриш.

##### **Умумривожлантирувчи машқлар:**

Машқлар тўрт колоннали сафда, жойида бажарилади.

Ҳар бир машқ 8-12 мартадан қайтарилади.

Умумий жисмоний тайёргарлик машқлари гурӯҳ таркибида спорт майдонида ёки бошқа очиқ майдонларда ўтказилади. Машқлар ўқитувчи раҳбарлигига ҳисоб билан бир хил бажарилади.

## **Машқлар.**


1. 50-80 м га ўртача тезлиқда югуриш.
2. Сонни баланд күтариб, оёқларни орқага силтаб югуриш (15-20 м).
3. Сонни орқага силтаб қўйиб, бедана қадам югуриш (15-20 м).
4. Сакраш қадамлар билан югуриш (15-20 м).
5. Қўлларни югуриш вақтидагидек ҳаракат қилдириш. 2, 3 - 4 ва 5 - машқларни тезлаштирилган суръатда бажариб, кейин яна оддий югуришга ўтиш.

### **1-ўқув саволи: Кроссфит машқларининг 1-мажмуасини.**


#### **Услубий кўрсатма.**

1-мажмуа (вақт ҳисобида 10 раунд). Ходим турник олдида 2 метр масофада дастлабки ҳолатда туради. “Снарядга” командасида ўз унвони ва фамилиясини айтиб турниқда осилган ҳолатни қабул қиласи. “Бошладик” командасида 5 маротаба турниқда тортилади (Турниқда тортилиш машқи талабларига асосан (1-машқ)), дарҳол турникдан тушиб ерга қўлларда таяниб 10 маротаба букиб ёзади, зудлик билан тик турган ҳолатга ўтиб 15 маротаба ўтириб туради шу ерда биринчи раундни тугатиб иккинчи раундга ўтади.

Раундлар орасида дам олишга рухсат этилмайди. Вақт “Бошладик” командасидан то 10 раунднинг охирги ҳаракатлари тугагунга қадар ҳисобланади. Ҳаракатлар тўлиқ бажарилиши шарт. Хато ҳаракатларга йўл қўйилганда шу бажариш маротабаси ҳисобланмайди. Машқни баҳолаш бажарилган вақт ҳисоби билан белгиланади.



Турникда тортилиш машқи



Ерга таянган ҳолда қўлларни букиш ва ёзиш машқи



Ўтириб туриш машқи.

**2-ўқув саволи: Кроссфит машқларининг 2-мажмуасини.**

**Услубий кўрсатма.**


2-мажмуа (вақт ҳисобида 3 раунд). Машқни бажариш учун дастлабки ҳолат старт чизигидан 2 метр масофа орқада шахсий таркиб рўйхат бўйича икки колоннада сафланган. “Стартга” командасида бажарувчи старт чизигига етиб келиб, юқори старт ҳолатини қабул қиласи. “Дикқат” командасида югуриш ва диққат ҳолати қабул қиласи. “Марш” командасида 40 метр масофага чизик бўйлаб югуриб, тананинг ҳар қандай қисми билан бурилиш чизигини кесиб ортга бурилиш ва шу тариқа 4 маротаба масофа бўйлаб такрорлаб югурилади, дарҳол тик турган ҳолатга ўтиб 20 маротаба ўтириб туради, зудлик билан белда ерга ётган ҳолатни қабул қилиб, қўл учларини оёқ учларига 20 маротаба теккизиш (пресс) ҳаракатини бажаради, шу ерда биринчи раундни тугатиб иккинчи раундга ўтади. Раундлар орасида дам олишга рухсат этилмайди. Вақт “Марш” командасидан то 3 раунднинг охириги ҳаракатлари тугагунга қадар ҳисобланади. Ҳаракатлар тўлиқ бажарилиши шарт. Хато ҳаракатларга йўл қўйилганда шу бажариш маротабаси ҳисобланмайди. Машқни баҳолаш бажарилган вақт ҳисоби билан белгиланади.



### **3-ўқув саволи: Спорт ўйинлари (футбол) элементлари.**

Футбол спорт турининг элементларини бажариш тингловчиларнинг ҳаракат реакциясини (ақл билан ҳаракатланиш) ҳамда турли йўналишларда ва масофаларда тезкорлик билан ҳаракатланишга ундейди. Шу боис, машғулот сўнгидаги ушбу спорт турининг элементларини бажариш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан:

- Тўпни қисқа масофаларга олиб юриш;
- Тўпни илон изи билан олиб юриш;
- Мини-футбол ўйини.



Тўпни қисқа масофаларга олиб юриш.



Тўпни илон изи билан олиб юриш.

### **Мустақил ўрганиш учун топшириқ:**

1. Кроссфит машқларининг 1-мажмуасини такрорлаб бажариш.

### **3.4-Мавзу: “Курашчиларнинг маҳсус тайёргарлик машқлари”**

#### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ (2 соат)**

##### **РЕЖА.**

1. Орқага, олдинга ўмбалоқ ошиш, елкадан юмалаш техникаси. Чўккалаб ўтирган ҳолатда орқа ва ёнга эҳтиёткорлик билан йиқилиш.
2. Куч сифатларини ривожлантирувчи машқлар.

##### **Юриш ва югуриш:**

800 - 1500 метргача, ўртacha тезликда югуриш.

##### **Умумривожлантирувчи машқлар:**

Машқлар тўрт колоннали сафда, жойида бажарилади. Ҳар бир машқ 8-12 мартадан қайтарилади. Умумий жисмоний тайёргарлик машқлари гурӯҳ таркибида спорт майдонида ёки бошқа очиқ майдонларда ўtkазилади. Машқлар ўқитувчи раҳбарлигига ҳисоб билан бир хил бажарилади.

##### **Машқлар.**

1. 50-80 м га ўртacha тезликда югуриш.
2. Сонни баланд кўтариб, оёқларни орқага силтаб югуриш (15-20 м).
3. Сонни орқага силтаб қўйиб, бедана қадам югуриш (15-20 м).

4. Сакраш қадамлар билан югуриш (15-20 м).
5. Күлларни югуриш вақтидагидек ҳаракат қилдириш. 2, 3, 4 ва 5 - машқларни тезлаштирилган суръатда бажариб, кейин яна оддий югуришга ўтиш.

### **АСОСИЙ ҚИСМ:**

**1-ўқув саволи: Орқага, олдинга ўмбалоқ ошиш, елкадан юмалаш техникаси. Чўккалаб ўтирган холатда орқа ва ёнга эҳтиёткорлик билан ийқилиш.**

Тингловчиларга машқларни ўргатиш учун аввалом, бор уларни иккита шеренгали сафга кўйилади. Шеренгалар орасидаги масофа 3 метр ва шеренгадаги ҳар бир тингловчи ораси бир метр бўлиши лозим. Машқларни бажаришдан олдин тингловчиларга эҳтиёткорлик чоралари ва машқларни бажариш кетма-кетлигини оғзаки тушунтириб амалий тарзда бир неча бор кўрсатиб берилади. Бажарилаётган ҳар бир машқ фазаларга бўлиб ўқитувчининг ҳисоб командаси бўйича бажарилади. Шундан сўнг, ўқитувчи тингловчилар томонидан бажарилаётган машқларни назорат қилиш, кузатиш ва ҳисоб командаларини бериш учун қулай жой танланади. Кузатув давомида ўқитувчи доимо ҳаракатда бўлади ва тингловчилар томонидан машқларни бажаришда хатоликлар йўл қўйилса, барча ҳаракатлар тўхтатилиб, уларга машқнинг ҳар бир элементларини тўғри кетма-кетликда туширилади.

### **Олдинга ўмбалоқ ошиш.**

Тингловчилар оралиқ масофаларни сақлаган ҳолда гилам бўйлаб, икки шеренгали сафда турадилар. Олдинга ўмбалоқ ошишни икки фазага бўлиб, ўқитувчининг командаси билан бажарилади. “*Бир*” командаси берилганда тингловчилар оёқларини тизза бўғинида ярим букиб, қўллар кафтини гиламга теккизадилар. “*Икки*” командасида бошнинг орқа қисмини гиламга теккизиб, олди тарафга юмалайдилар ва қўллари билан оёқларининг болдиридан ушлаб, сон қисмига қараб тортадилар. Шу тариқа тингловчилар дастлабки холатда саф тортадилар. Машқ 8-10 маротаба икки фазада ўқитувчи командаси бўйича бажарилади ва шундан сўнг машқни тўлиқ бажариш мумкин бўлади.



1-расм



2-расм



3-расм

### Орқага ўмбалоқ ошиш техникаси.

**Машқни бајсарии тартиби:** Тингловчилар залнинг бўш қолган томонига орқа ўгириб икки шеренгали сафда турадилар. Биринчи ва иккинчи шеренгалар оралиғидаги масофа уч метр бўлиши лозим. “Бир” командаси берилганда оёқлари тизза бўғинида яrim букилган ҳолатда ва қўлларни тиззиларга қўйилади. “Икки” командаси берилиши билан орқа томонга ўмбалоқ оширилади ва бошининг орқа қисми гиламга тегиши билан қўлларга


таяниб тик турилади. Шу машқ бир неча бор гилам бўйлаб шеренгали сафда 8-10 маротаба такрорланади. Орқага ўмболоқ ошиш вақтида ўқитувчи аввалом бор эҳтиёткорлик чораларига ва машқнинг бажарилиш техникиси ҳамда кетма-кетлигига этибор бериши лозим. Машқ 8-10 маротаба икки фазада ўқитувчи командаси бўйича бажарилади ва шундан сўнг машқни тўлиқ бажариш мумкин бўлади.



1-расм



2-расм



3-расм

**Елкадан олдинга юмалаш техникиси.**

## **Чўккалаb ўтирган холатда орқага эҳтиёткорлик билан йиқилиш техникаси.**

Тингловчилар оёқлари тизза бўғинида яrim букилган холатда ва кўлларни тиззаларга қўйиб, тўрт колонна бўлиб саф тортадилар. Орқага йиқилиш машқини бажариш учун тингловчилар ўқитувчининг “*Bir*” командаси бўйича қўлларини тўғрига қилиб, оёқлар яrim букилган холатда турадилар.

